

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎзМЭИ)нинг Илмий Кенгаши тўғрисида
РЕГЛАМЕНТ**

I. Умумий қоидалар.

1.1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎзМЭИ)нинг коллегиял органи (бундан кейин Илмий Кенгаш деб юритилади) доимий фаолият кўрсатувчи маслаҳат органи ҳисобланади.

1.2. Илмий Кенгаш ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қарор ва буйруқлари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази (ЎзҚХИИЧМ) қарорлари ва буйруқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 290-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 мартдаги 160-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тўғрисидаги Низоми, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Ҳокимининг 2007 йил 9-июндаги 396-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти тўғрисидаги Низоми асосида амалга оширади.

1.3. Илмий кенгаш ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, бошқарувни марказлаштириш, коллегиялик ва яккабошчиликни уйғунлаштиришга мувофиқ қонунийлик, назоратлилик ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ҳамда Олий Аттестация Комиссиясига ҳисобот бериш принципи асосида амалга оширади.

II. Илмий Кенгашнинг асосий вазифалари.

2.1. Илмий Кенгаш ЎзМЭИ фаолиятининг қуйидагилар билан боғлиқ муҳим масалаларини муҳокама қилади:

- мавжуд имкониятлардан унумли ва тўлақонли фойдаланиш мақсадида институтнинг ҳозирги ва келажакдаги режаларининг лойиҳаларини;

- илмий-тадқиқот лойиҳалари, уларнинг иш дастурлари ва услублари ҳамда ҳисоботларини;

- илмий кадрлар тайёрлаш масалаларини;

- илмий-тадқиқот ишларини сифатли ўтказишни таъминлаш, лойиҳадаги кучлардан, ажратилган капитал маблағлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, бошқариш ва хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, мусобақаларни ривожлантириш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш, мутахассисларни танлаш, улардан фойдаланиш ва бошқа масалаларни;

- институтга қарашли бўлинмалар, умуман институтнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Марказининг қарорлари, буйруқлари ва фармойишлари, ЎЗМЭИ қарорлари, буйруқлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, институтда давлат ва халқаро грантлар бўйича бажарилаётган лойиҳаларда белгиланган илмий-амалий тадқиқот ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш.

2.3. Илмий Кенгаш ЎЗМЭИ ваколатига кирадиган ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилишни талаб этадиган ҳар қандай масалаларни кўриб чиқишга ҳақли.

III. Илмий Кенгаш таркиби.

3.1. Илмий Кенгаш аъзолари сони ва шахсий таркиби ЎзҚХИИЧМ томонидан тасдиқланади.

3.2. Илмий Кенгаш таркибига институтнинг директори, унинг ўринбосарлари ва илмий котиб лавозимларига кўра, бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар раҳбарлари ҳамда институт илмий-амалий фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирадиган тузилмавий бўлимлар раҳбарлари ҳамда етакчи илмий ходимлар эса муҳокама этиш йўли билан киритилади. Шунингдек, Илмий Кенгаш таркибига бошқа ташкилот ва идораларнинг раҳбар-ходимлари ҳам киритилиши мумкин. Илмий Кенгаш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида унинг таркиби вақти-вақти билан қисман алмаштирилади.

Илмий Кенгаш аъзоси эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ҳолатда (Илмий Кенгаш таркибига лавозими бўйича кирадиган аъзолар бундан мустасно) Илмий Кенгаш таркибига киритиладиган номзод бўйича таклифлар белгиланган тартибда ЎзҚХИИЧМга тақдим этилади.

3.3. Илмий Кенгаш раиси:

- Илмий Кенгаш фаолиятини ташкил этади, унинг мажлисларини бошқаради, мажбурият ва топшириқларни унинг аъзолари ўртасида тақсимлайди, мажлислар режалари бажарилиши, Илмий Кенгаш қарорлари ижроси устидан умумий назорат ўрнатади;

- Илмий Кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этилган масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва ҳал этиш учун зарур шароитларни яратади;

- Илмий Кенгаш фаолияти ва у қабул қилган қарорларнинг бажарилиши юзасидан шахсий жавобгар ҳисобланади;

- зарурат туғилганда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ЎзҚХИИЧМга Илмий Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан ахборот беради;

- махфий масалалар, шунингдек, давлат сирига кирадиган маълумотларга таалуқли масалаларни кўриб чиқиш учун ёпиқ мажлислар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- Илмий Кенгаш раиси бўлмаганда унинг вазифасини институтнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари бажаради.

3.4. Илмий Кенгаш аъзолари:

- Илмий Кенгаш иши режалари лойиҳалари, кун тартиби ва унинг мажлисларини ўтказиш тартиби бўйича, Илмий Кенгаш мажлисларининг тасдиқланган режасига кўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар, эътирозлар ва тузатишлар киритиш, Илмий Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисларини ўтказиш, кўриб чиқиладиган муаммоларга оид ҳужжатлар ва Илмий Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисидаги материаллар билан танишиш, маъруза қилувчилар ва сўзга чиқувчиларга саволлар бериш, муҳокама этиладиган масалалар мазмун-моҳияти бўйича ўз фикрини, қабул қилинадиган қарорлар лойиҳалари ва Илмий Кенгаш мажлиси баённомаси бўйича эътироф ва таклифлар билдириш, зарурат туғилганда овоз беришда мажлис баённомасига алоҳида

фикр киритиш ёки баённомага алоҳида фикрнинг ёзма баёнини илова қилиш ҳуқуқига эга;

- масалаларни муҳокама этиш ва овоз беришда тенг ҳуқуқларга эга;
- Илмий Кенгаш мажлисларини ташкил этиш, кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан материаллар тайёрлаш, Илмий Кенгаш қарорлари ижросини ташкил қилишда иштирок этади, уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилади, Илмий Кенгаш топшириқларини бажаради;
- Илмий Кенгаш мажлисларида шахсан иштирок этишга мажбур ва ўз ваколатларини бошқа шахсларга беришга ҳақи йўқ.
- аъзолар Илмий Кенгаш мажлисларидан Илмий Кенгаш раисининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг руҳсати билан озод этилади. Бунда Илмий Кенгаш аъзоси муҳокама этиладиган масалалар бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақли.

IV. Илмий Кенгаш фаолиятини ташкил этиш.

1. Илмий Кенгаш ишини режалаштириш.

4.1. Институт Илмий Кенгашининг иш режаси ЎзҚХИИЧМ иш режасини ҳисобга олган ҳолда бир йилга тузилади, Илмий Кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.

4.2. Илмий Кенгаш ишлари институтда режалаштиришни ташкил этишнинг умумий принциплари ва талабларига мувофиқ режалаштирилади. Илмий Кенгаш мажлисларини ўтказиш ҳар чорақда камида бир маротаба режалаштирилади ва ўтказилади. Илмий Кенгашнинг битта мажлисида камида битта асосий масала кўриб чиқилади.

Режада Илмий Кенгаш эътиборига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган масалаларнинг аниқ ифодаси, уларни кўриб чиқиш муддати, масалаларни тайёрлашга масъул Кенгаш аъзолари, Илмий Кенгаш мажлисига қарорлар лойиҳалари ва бошқа материалларни ишлаб чиқадиган институт бўлим, лаборатория ва лойиҳа раҳбарлари (кейинги ўринда ижрочилар) кўрсатилади.

4.3. Илмий Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар Илмий Кенгаш раиси ва унинг аъзолари, шунингдек, институт лаборатория, лойиҳа ва мустақил бўлимлар раҳбарлари томонидан тақдим этилади.

4.4 Илмий Кенгашнинг йиллик иш режаси лойиҳаси бўйича таклифлар ЎзҚХИИЧМга тегишли йилнинг 1 декабригача тақдим этилади. Режа лойиҳаси бўйича таклифлар куйидагиларни ўз ичига олиши лозим: масалалар таърифи ва уларни кўриб чиқиш учун таклиф этилаётган муддатлар, маърузачилар ва масалаларни тайёрлаш учун маъсул шахслар (комиссия ёки ишчи гуруҳи таркиби).

4.5. Илмий Кенгаш мажлисларни бошқа ташкилот ва идоралар билан биргаликда ўтказишга доир таклифлар ЎЗМЭИ директори томонидан кўриб чиқилади ҳамда илмий котиб томонидан мувофиқлаштирилади.

4.6. Илмий Кенгаш йиғилишлари режасининг лойиҳасини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш Илмий Кенгаш илмий котиби зиммасига юкланади.

4.7. Илмий Кенгаш илмий котиби тасдиқланган режани Илмий Кенгаш аъзоларига, режадан кўчирмаларни ижро этувчиларга тарқатади.

4.8. Илмий Кенгаш мажлисларининг тасдиқланган режасига Илмий Кенгаш ёки унинг раисининг қарори билан тузатишлар киритилиши ҳамда зарурат туғилганда навбатдан ташқари мажлислар ўтказилиши мумкин.

2. Илмий Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш.

4.9. Илмий Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиш учун тайёрланган масалалар мавжуд муаммонинг мазмун-моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, аввал қабул қилинган қарорлар ва уларни амалга ошириш тадбирлари самарадорлигини баҳолаш, камчиликлар, уларни юзага келтирадиган шароит ва сабабларни аниқлаш, ишлар аҳволини

яхшилашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишдан кутилаётган натижаларни ўз ичига олади.

4.10. Ижро этувчилар Илмий Кенгаш мажлислари режасидан кўчирмани олгандан сўнг 10 кун муддатда Илмий Кенгаш мажлисини тайёрлаш бўйича тадбирлар режасини тузади, уни масалаларни тайёрлаш учун масъул шахсларга тасдиқлатади, нусхасини ушбу режани амалга оширишда иштирок этадиган барча масъулларга юборади.

4.11. Илмий Кенгашга киритиладиган масалаларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш мақсадида бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар раҳбарлари (ижрочилари) томонидан маълумотларни тайёрлаш ва тақдим қилиш қуйидаги тартибда белгиланади:

а) ҳужжатларни (маълумот, жадвал, қисқа маълумотлар ва Илмий Кенгаш қарори лойиҳалари)ни тайёрлаш учун аввалдан ишчи гуруҳи тузилади ҳамда зарурий ҳолатларда ҳақиқий аҳволни аниқлаш учун жойларга боришлари мумкин. Соҳага мутасадди директор ўринбосари томонидан маълумот тайёрланишининг сифати баҳоланади. Илмий Кенгашда кўриб чиқиш учун сифатсиз тайёрланган масалалар кенгаш жараёнида кун тартибидан чиқарилади, бунда айбдор шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилади;

б) Илмий Кенгаш йиғилишига беш кун қолганда Илмий Кенгашнинг иш режасига киритилган масалалар бўйича маълумотлар, қарор лойиҳалари ва бошқа керакли ҳужжатлар тўлиқ тайёрланиб, илмий котибга умумлаштириш учун топширилиши шарт. Илмий котибга топшириладиган Илмий Кенгаш қарори лойиҳалари уч қисмдан иборат бўлиши шарт.

-Биринчи қисми изоҳ (преамбула)дан иборат бўлиб, бу қисмида Илмий Кенгаш қарори лойиҳасини тайёрлашдан мақсад ва муҳокама этилаётган масаланинг қисқача таҳлили аниқ кўрсатилиши лозим;

-Иккинчи қисми (асосий қисм)да ижро муддати кўрсатилган тошпириқлар ва уни бажарувчи ижрочилар аниқ қилиб белгилаб қўйилиши, агарда Илмий Кенгаш қарори орқали бирор бир ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланиладиган бўлса, унинг сабаблари, таҳлиллари ва далиллари тўлиқ кўрсатилиши лозим;

-Учинчи қисм (яқунловчи қисм)да Илмий Кенгаш қарорининг ижросини назорат қилиш албатта битга ходимга юклатилиши лозим;

в) зарурат туғилганда ҳужжатлар лойиҳалари бўйича мавжуд келишмовчиликлар тўғрисида лойиҳаларни тайёрлаш ва мувофиқлаштириш давомида келиб тушган фикр ва таклифларни амалга оширишни рад этиш асосланган маълумотнома;

г) Илмий Кенгашга таклиф этилганлар рўйхати;

д) Илмий Кенгаш мажлисида сўзга чиқувчилар рўйхати;

е) Илмий Кенгаш раиси кўрсатмаси бўйича бошқа ҳужжатлар.

4.12. Тайёрланган маълумотнома Илмий Кенгашда кўриб чиқиладиган масала моҳиятининг қисқача ва объектив баённи, ушбу йўналишдаги ишлардаги мавжуд камчиликлар ва уларнинг сабаблари, муаммолар ва уларни ҳал этиш услубларини ўз ичига олиши керак.

Олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этиладиган чора-тадбирлар, одатда, комплекс хусусиятга эга бўлиши даркор.

4.13. Илмий Кенгаш қарори лойиҳалари Илмий Кенгаш йиғилишидан сўнг белгиланган тартибда мувофиқлаштирилиши мумкин.

4.14. Илмий Кенгаш йиғилишларини чақирмасдан Илмий Кенгаш аъзолари ўртасида сўров ўтказиш орқали қабул қилинадиган ҳужжатлар лойиҳалари Илмий Кенгашнинг барча аъзолари томонидан келишилади ва имзоланади.

4.15. Барча материаллар ижро этувчи бўлим раҳбари, масалаларни тайёрлаш учун масъул шахс ва институтнинг тегишли фаолият йўналишига раҳбарлик қиладиган ўринбосари томонидан ўзаро келишилади ва имзоланади.

Бундан ташқари, Илмий Кенгаш қарори ва уни эълон қилувчи буйруқ лойиҳалари, институт таркибий бўлимларининг уларни тайёрлашда иштирок этган ва манфаатдор бўлган раҳбарлари ҳамда муҳаррир томонидан имзоланади.

4.16. Кенгашга тақдим этиладиган материаллар уларни кўриб чиқиш режасида

кўрсатилган муддатдан 5 кун аввал Илмий Кенгаш илмий котибига тақдим этилади.

4.17. Белгиланган талаблар бузилган ҳолда тайёрланган ёки тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган материалларни Илмий Кенгаш илмий котиби қабул қилмайди. Олинган материаллар ижро этувчи бўлимларга камчиликларни бартараф этиш мақсадида қайта ишлаш учун қайтариб берилиши мумкин ва бу ҳақида масалаларни тайёрлаш учун масъул шахсларга ҳамда директорнинг тегишли ўринбосарига маълум қилинади.

4.18. Илмий Кенгаш материаллари айрим сабабларга кўра кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган ёки масалани тайёрлаш учун масъул шахснинг фикрига кўра уни кўриб чиқиш зарурати бекор қилинган ҳолларда, бу ҳақда Илмий Кенгаш раисига ёзма равишда маълум қилинади.

Етарлича ишлаб чиқилмаган масалалар Илмий Кенгаш раиси ёки Илмий Кенгаш қарори билан муҳокама қилинмайди, материаллар ижро этувчига қайта ишлаш учун қайтарилди.

Ижро этувчи бўлимлар раҳбарлари ва масалани тайёрлаш учун масъул шахслар Илмий Кенгаш мажлисларига материаллар лойиҳаларини ишлаб чиқиш сифати ва уларни ўз вақтида тақдим этиш ҳамда улардаги маълумотлар аниқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

4.19. Илмий Кенгаш мажлисида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиш, Илмий Кенгаш қарорлари лойиҳалари ва бошқа материалларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш, шунингдек, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш учун вақтинчалик комиссиялар ва ишчи гуруҳлари ташкил этилиши мумкин. Уларнинг фаолияти натижалари ҳақида Илмий Кенгашга маълум қилинади. Комиссиялар ва ишчи гуруҳларининг алоҳида фикрга эга аъзолари ўз фикрларини Илмий Кенгаш аъзолари ёки унинг раиси эътиборига ҳавола этиш ҳуқуқига эга.

3. Илмий Кенгаш мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби.

4.20. Илмий Кенгаш илмий котиби Илмий Кенгаш иши режасига мувофиқ тайёрланган материаллар мавжуд бўлганда кун тартиби ва Илмий Кенгаш йиғилишини олиб бориш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқади, мажлис қатнашчилари ва улар ичидан сўзга чиқувчилар рўйхатини тузади, уни тегишли директор ўринбосарлари билан келишади.

4.21. Илмий Кенгаш мажлиси кун тартиби, жумладан уни ўтказиш вақти ва жойи раиси томонидан белгиланади.

4.22. Илмий Кенгаш илмий котиби навбатдаги мажлис учун материалларни олгандан сўнг уларни кўпайтиради ва Илмий Кенгаш аъзоларига тарқатади. Материаллар бошқаларга Илмий Кенгаш раиси билан келишилган ҳолда юборилади.

4.23. Илмий Кенгаш мажлисига институтнинг бўлинма раҳбарлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий ходимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Уларнинг Илмий Кенгаш мажлисларида иштироки ҳақидаги масала ҳар бир конкрет ҳолатда ҳал этилади.

4.24. Илмий Кенгаш мажлисига таклиф этиладиган институтнинг бўлинма раҳбарлари, жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий ходимлар ва мутахассисларни Илмий Кенгаш раиси ёки унинг топшириғига биноан Илмий Кенгаш йиғилишига масалани тайёрлаган ижрочи ҳамда илмий котиб хабардор қилади.

4.25. Илмий Кенгаш илмий котиби институтнинг Илмий Кенгаш мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштирок этадиган техник, хўжалик ва бошқа бўлимлари (Хизмат кўрсатиш бўлими)ни хабардор қилади, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилади, улар томонидан ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

4.26. Илмий Кенгаш илмий котиби мажлислардан олдин иштирокчиларни рўйхатга олишни ташкил қилади ҳамда рўйхатга олиш якунлангач, Илмий Кенгаш раиси (раислик қилувчи)га Илмий Кенгаш аъзолари ҳамда таклиф этилган шахсларнинг ҳозир бўлгани ҳақида маълум қилади.

4.27. Илмий Кенгаш мажлисига таклиф этилган шахслар ўзларига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этади. Раиснинг (раислик қилувчи) рухсати билан улар музокараларда сўзга чиқиши, фикр ва таклифлар билдириши, муҳокама этиладиган масалалар ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари моҳияти юзасидан маълумотномалар тақдим этиши мумкин.

4.28. Илмий Кенгаш раиси (раислик қилувчи) мажлисни очади ва ёпади, Илмий Кенгаш аъзоларига мажлисга таклиф қилинган шахслар ҳақида ахборот беради, муҳокамасини ташкил этади (маъруза қилиш учун сўз беради, регламентга риоя қилишни кузатади, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари, кўриб чиқиладиган масалалар бўйича таклифларни овозга қўяди ва овоз бериш натижаларини эълон қилади), расмий талаблар, маълумотномалар, аризалар ва таклифларни эълон қилади.

4.29. Илмий Кенгаш мажлиси кун тартиби ва уни ўтказиш тартибини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш билан бошланади.

4.30. Маърузалар учун вақт, одатда, 15-20 дақиқа, музокараларда сўзга чиқиш учун 4-5 дақиқа, маълумотлар ва маълумотномалар учун 3 дақиқа қилиб белгиланади.

Зарур ҳолларда раис (раислик қилувчи) маърузалар учун вақтни ўзгартириши мумкин.

4.31. Илмий Кенгаш мажлисида масалалар муҳокамаси чоғида ҳужжатлар лойиҳалари бўйича тушган принципаал фикрлар ва таклифлар кўриб чиқилиши даркор. Муҳокама натижалари раислик қилувчининг кўрсатмасига биноан мажлис баённомасида акс эттирилади.

4.32. Илмий Кенгаш мажлисларида овозларни ёзиб олиш ёки стенограммасини ёзиб олиш, кино, видео ва фото суратга олиш раис (раислик қилувчи) билан келишган ҳолда ёки Илмий Кенгаш қарорига биноан амалга оширилади.

4.33. Овозларни ёзиб олиш, стенограммани юритиш, кино, видео ва фото суратга олишни ташкил қилиш институтнинг имконияти ва воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

4.34. Маърузалар ва чиқишлар матнлари мажлис тугагач, умумлаштириш учун Илмий Кенгаш илмий котибига топширилади.

4. Илмий Кенгаш қарорларини қабул қилиш тартиби.

4.35. Илмий Кенгаш йиғилиши унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми катнашганда қонуний ҳисобланиб, қарор чиқариш ҳуқуқига эга булади.

4.36. Муҳокама қилинадиган ҳар бир масала юзасидан йиғилишда катнашадиган Илмий Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади. Қарорлар, агар Кенгаш бошқа усул танламаса, очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

4.37. Институт бошқаруви органи раҳбари ва Илмий Кенгаш ўртасида келишмовчилик юзага келган ҳолатда институт бошқаруви органи раҳбари ўз қарорини амалга оширади ва юзага келган келишмовчилик хусусида ЎзҚХИИЧМга маълум қилади.

4.38. Илмий Кенгаш қарори Илмий Кенгаш раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс (раислик қилувчи) томонидан имзоланади ва эълон қилинади.

4.39. Илмий Кенгашнинг ташкилий, процедура ва назорат масалалари бўйича қарорлари мажлис баённомасига киритилади (буйруққа биноан эълон қилинмасдан). Улардаги кўрсатмалар (топшириқлар) белгиланган тартибда ижро этилиши шарт.

4.40. Айрим ҳолатларда Илмий Кенгашнинг кечиктириб бўлмайдиган масалалар бўйича қарорлари сўров ўтказиш тартибда қабул қилиниши мумкин.

4.41. ЎзҚХИИЧМ ҳайъати ва бошқа Ҳайъат органларининг қўшма мажлисларида қабул қилинган қарорлар қўшма буйруқлар асосида эълон қилинади.

Илмий Кенгашнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ва идоралараро хусусиятга эга қарорлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олиниши даркор.

4.42. Илмий Кенгаш томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган ҳужжатлар

лойиҳалари (низомлар, йўриқномалар, режалар ва бошқа ҳужжатлар) белгиланган тартибда тасдиқланади ва амалга жорий қилинади.

5. Илмий Кенгаш мажлисларини ҳужжат асосида расмийлаштириш.

4.43. Илмий Кенгаш мажлиси якуни бўйича қисқача баённома тузилади. Баённомада унинг тартиб рақами, мажлис ўтказилган жой, раислик қилувчи, Илмий Кенгашнинг иштирок этган аъзолари, таклиф этилганлар фамилияси ва лавозими, кўриб чиқилган масалалар, маърузачилар ва сўзга чиққан фамилияси, ташкилий-фармойиш хусусиятига эга қарорлар ёки аниқ топшириқлар кўрсатилади. Баённомага киритилган топшириқлар мансабдор шахслар (ижро этувчи бўлимлар) ва бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда, қисқача шаклда баён қилиниши лозим.

4.44. Баённомаларни расмийлаштириш ва мувофиқлаштириш Илмий Кенгаш илмий котиби зиммасига юкланади.

Баённомалар Илмий Кенгаш раиси томонидан имзоланади ва зарурат туғилганда, ЎзМЭИ директорининг бошқа ўринбосарлари, Илмий Кенгашнинг бошқа аъзолари, билан ўзаро келишилади.

Баённомалар биринчи навбатда кўриб чиқилади ва мувофиқлаштирилади. Баённомаларни тайёрлашга ЎзМЭИнинг манфаатдор бўлимлари жалб қилиниши мумкин.

4.45. Баённомалар Илмий Кенгаш раиси (раислик қилувчи) томонидан имзоланади ва унинг илмий котиби томонидан тасдиқланади.

4.46. Баённомаларга иштирокчиларнинг ёзма маърузалари ва чиқишлари, бошқа ҳужжатлар, раис (раислик қилувчи) кўрсатмаси ёки Илмий Кенгаш қарорига биноан мажлислар стенограммалари илова қилинади.

4.47. Баённомалардан кўчирмалар ЎзМЭИнинг манфаатдор бўлимлари, унинг ҳудудий органлари раҳбарларига тарқатилади.

Баённомалардан кўчирмалар, Илмий Кенгаш масъул котиби томонидан тасдиқланади.

6. Илмий Кенгаш қарорлари ва бошқа ҳужжатларини қайта ишлаш тартиби.

4.48. Қарорлар, уларни эълон қиладиган ҳужжатлар лойиҳалари, Илмий Кенгаш мажлисида кўриб чиқилган бошқа ҳужжатларни бевосита қайта ишлаш, уларни ўзаро мувофиқлаштириш ижро этувчи бўлим зиммасига юкланади. Ҳужжатларни қайта ишлаш муддати, одатда, агар алоҳида белгиланган бўлмаса, 10 кундан ошмаслиги даркор.

Ҳужжатлар лойиҳалари, агарда уларни қайта ишлаш жараёнида жиддий ўзгартиришлар киритилган бўлса, такроран имзоланиши лозим.

Белгиланган тартибга қўшимча равишда қайта ишланган ҳужжатлар Илмий Кенгаш мажлисида билдирилган фикр ва таклифлари кўриб чиқилган аъзолар томонидан мувофиқлаштирилади ва имзоланади.

4.49. Илмий Кенгаш илмий котиби ҳужжатлар лойиҳаларини қайта ишлаш, уларни мувофиқлаштиришда иштирок этади, билдирилган фикр ва таклифларнинг тўлиқ амалга оширилишини назорат қилади.

4.50. ЎзМЭИ директори (Илмий Кенгаш раиси)га имзо қўйиш учун тайёрланган қарорлар баённома билан биргаликда Илмий Кенгаш илмий котиби томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади.

7. Илмий Кенгаш қарорлари ижросини назорат қилиш

4.51. Илмий Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланиши учун улар белгиланган тартибда назоратга олинади.

4.52. Илмий Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш институт директори ўринбосарлари, бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар раҳбарларига,

унинг ижросини назорат қилиш эса тегишли директор ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

4.53. Илмий Кенгаш ўз мажлисларида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳақидаги масалаларни мунтазам кўриб чиқади, уларнинг бажарилишини назорат қилишга масъул шахслар, директор ўринбосарлари, бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар раҳбарларининг бажарилган ишлар натижалари хусусидаги ҳисоботларини тинглайди. Мунтазам ўз фаолиятини сарҳисоб қилади, Кенгаш қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишда унинг аъзолари ишлари натижаларини кўриб чиқади.

8. Илмий Кенгаш илмий котиби

4.54. Институтнинг илмий котиби Илмий Кенгаш илмий котиби ҳисобланади.

4.55. Илмий Кенгаш илмий котиби:

- Илмий Кенгашнинг мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни амалга оширади;

- институт директори ўринбосарлари, бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар ижрочилари таклифлари асосида Илмий Кенгаш иш режасини ишлаб чиқади, қарор лойиҳаларини тегишли ўринбосарлар ва Илмий Кенгаш аъзолари билан келишилгандан сўнг Илмий Кенгаш муҳокамасига киритади;

- бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар раҳбарларининг Илмий Кенгашга материалларни тақдим этиши устидан назоратни таъминлайди;

- Илмий Кенгаш Раисининг розилиги билан кониқарсиз тайёрланган ҳужжатларни қайта ишлаш учун қайтаради;

- Илмий Кенгаш материалларини ўз вақтида кўпайтириш ва уларни кенгаш аъзолари ҳамда бошқа шахсларга тарқатилишини таъминлайди;

- Илмий Кенгаш ўтказилишини ташкил қилишни таъминлайди (зални тайёрлаш, мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш, баённома юритиш, Илмий Кенгаш мажлислари аудио ёзуви ва стенограммаси);

- Илмий Кенгаш мажлислари баённомаларини Илмий Кенгаш раисига имзога тайёрлайди;

- Илмий Кенгаш қарорлари ва қабул қилинган ҳужжатларни муҳокама давомида билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олинган ҳолда, ушбу ҳужжатларни тақдим этган мансабдор шахслар томонидан қайта ишланишини таъминлайди;

- тайёрланган ҳужжатларнинг Илмий Кенгаш раисига имзо қўйиши учун тақдим этилишини таъминлайди;

- Илмий Кенгаш раиси томонидан имзоланган ҳужжатлардан ўз вақтида нусха кўчириш, уларни институтнинг мансабдор шахслари, бўлимлар, лабораториялар ва лойиҳалар ижрочиларига ижро этиш учун юборишни ташкил қилади.

ЎзМЭИ директори В.Б.

А.Ч.Эргашев

Илмий котиб

К.Д.Астонакулов